


Аллоҳга суянинг!



14:00 / 14.03.2022 3113

Ухлаб ётибсиз, Аллоҳ сизнинг туриб У учун намоз ўқишингизни яхши кўрди. Оҳиста бир шамолни юборади, у деразангизни ҳаракатлантиради ёки бир фарзандингизда тўполон кўтартиради. Хонангизнинг ёнида тўполон қилади ёки жуда чанқайсиз-да, сувга турасиз, шунда соатга қарайсиз. Намоз ўқишни хоҳлаб қоласиз, жойнамозни ёзасиз, таҳорат қилиб келасиз-да, сажда қилиб Аллоҳга муножот қиласиз. Лекин сизни ким уйғотганини билмайсиз.

Тоғ тепаларида машинангизни бошқариб кетяпсиз, тўсатдан заруратни сездингиз. Машинангизни бир чеккага тўхтатдингиз ва бирдан «Пулларим қолиб кетмадими ёки автомобилим ҳужжатлари жойидами» деб текшириб аниқламоқчи бўлдингиз. Тўхтатганингиздан нечадир сония ўтиб олдингиздан бир катта харсанг тош думалаб тушди. Агар сиз ўша вақтда тўхтамаганингизда сизни ҳам, машинангизни ҳам яксон қиларди. Шу билан сафарингиз кароматли бўляпти. Лекин сиз сизни кутқарган ким эканлигини билмаяпсиз.

Масалан, бир гуноҳ режасини туздингиз, тунда чиқдингиз, режангиз мустаҳкам, ишончли тузилган. Тўсатдан узоқдан бир машина кўринди, қалбингизга шубҳа оралади. Сиз у мени кузатиб турибдимикин, деб ўйладингиз. Узоқдан кўринган ўша машина сиздаги гуноҳ қилиш фикрини

Ўзгартириб юборди, хоҳишингиздан қайтдингиз, уйингизга келдингиз.
Лекин Ўз лутфи ила сизни шу гуноҳдан буриб қўйган Зотга эътибор
қаратмадингиз.

Аллоҳнинг қанча-қанча махфий лутфлари бор. Зийрак одамнинг фаҳми ҳам
уни фаҳмлай олмайди. Қанча-қанча ишлар бор, уни бир одамга ёмонлик
қиламан деб бажарасиз, лекин натижада яхшилик бўлиб чиқаверади. Бир
кун сиз учун ҳолатларингиз зиқ бўлса ёки сиқилсангиз, ёлғиз ягона олий
Зотга суянинг!

«Чунки Сен Аллоҳсан» китобидан.